

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (11.108)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг тақомиллаштирилишига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Кеча Тошкентдаги «Дедеман Силк Род» меҳмонхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалари қўмитаси, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон туз ишлаб чиқарувчилар уюшмаси ҳамкорлигида давра суҳбати уюштирилди. Анжуман иштирокчилари йодланган туз ишлаб чиқаришнинг қонунчилиги ва техник жиҳатларини, жумладан, йодат калий импорти масалаларини муҳокама этишди.

● «ЎЗМЕТКОМБИНАТ» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида цех ва бўлинмалараро алоқа тизими янги, замонавий воситалар билан таъминланди. Энди металлургия Япониянинг «PANASONIC KXTDA-600» рақамли автомат телефон станцияси мажмуаси хизматидан фойдаланадиган бўлиши.

● «Қамолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси ва ёшларнинг куч-ғайрати, шижоати билан уюштирилган ҳашарларда 390 гектар майдон ободонлаштирилди. Ҳашар давомида 12540 та манзарали, 10054 та мевали дарахтлар, 1540 туп турли хилдаги гул кўчатлари ўтказилди.

● Амударё туманидаги «Дўстлик» фермер хўжалигида бўлиб ўтган кўргазмалар семинарида туманда боғдорчилик билан шуғулланувчи 31 та фермер хўжалиги томонидан боғларни кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

● Жорий йилда Навоий вилоятида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмини 20,5 фоизга етказиш кўзда тутилган. Соҳани ривожлантириш ҳисобига 2525 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, 83 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фойдаланишга топширилади.

● Жиззах Олимиячи захиралари коллежиде энгил атлетика бўйича 1993-1994 йилларда тузилган ёшлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими соврини учун еттинчи бор ўтказилган мазкур аънавий турнирда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 200 нафарга яқин ёшлар энгил атлетиканинг 21 туп бўйича беллашдилар.

● Қаршидаги «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказида Ёшлар телестудияси ташкил этилди. Унинг дастурларидан Қашқадарё йигит-қизларининг бугунги ҳаётига доир материаллар ўрин олган.

ЖАҲОНДА

● Кеча Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгаши Косово бўйича махсус йиғилиш ўтказди.

● Кеча Австралия бундан 11 йил муқаддам қабул қилинган Киото протоколени ратификация қилди.

● Уч кундан буён Тбилисидаги парламент биноси олдида бирлашган муҳолифат кучларининг норозилик намойишлари давом этмоқда. Улар Грузияда ўтказилган президент сайловлари натижаларини қайта қўриб чиқишни талаб қилмоқдалар.

● Буюк Британияга катта зарар етказган кучли довул кеча Франция шимолига хурж қилди. Табиий офатдан айниқса, Брест шаҳри ва Жанубий Нормандия ҳудудлари жиддий зарар кўрди. Довул икки кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ла-Манш бўғозиде ҳаракатланаётган кема кучли тўфон оқибатида чўкиб кетган бўлсада, ундаги барча йўловчилар қутқариб қолинди. Бўрон оқибатида электр узатиш симларининг узлиши натижасида 140 минг киши электр қувватисиз қолди.

● Тараққиёт ишлари ва ислохотлар бўйича Хитой Давлат қўмитаси ва Қатар энергетика вазирлиги Доҳада ҳар иккала мамлакат ўртасида энергетика бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан меморандум имзоладди.

● Француз Гвианасидаги космодромдан Европа космик агентлигининг учувчисиз юк космик кемаси парвоз қилди. У фазога Халқаро космик станция космонавти учун кислород ва озик-овқат етказди.

● Кеча Болгария пойтахти Софиядаги миллий маданият маркази музейидан машхур рус расмони Василий Верешчагин томонидан ишланган иккита бебаҳо суратни кўргазма чоғида ўғирлаган кимса полиция томонидан қўлга олинди.

● Кеча Догистоннинг Махачқалъа шаҳри марказидаги кўп қаватли уйлардан бирига террорчилар томонидан ўрнатилган катта қувватга эга бомба муваффақиятли ҳолда зарарсизланган.

● Кеча АҚШ армиясининг Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий кучларининг қўмондони адмирал Уильям Феллон истеъфога чиқди.

● Тунисда икки нафар австриялик сайёх ўғирлаб кетилди. Таъқидлаш жоизки, тиббиёт соҳаси вакиллари бўлмиш Андреа Коблер ва Вольфганг Эднер Тунисга саёҳат қилиш мақсадида келишганди. Мазкур ўғирликда «Ал-Қоида» гуруҳи вакилларининг қўли борлиги тахмин қилинмоқда.

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

11 МАРТ КУНИ ОҚСАРОЙДА ТУРКМЕНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУХАМЕДОВГА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ФАХРИЙ ДОКТОРИ ИВНОНИ БЕРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛДИ.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи самарали бўлганини, ушбу саммит мамлакатларимиз тараққиётига, халқларимиз фаровонлигини оширишга, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мазкур ташриф икки мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — деди Ислам Каримов. — Ўтказилган музокаралар мамлакатларимизнинг ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда, халқларимиз ўртасида ўзаро дўстлик ва қардошлик муносабатларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги гуманитар алоқалар, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида тўхталди. Туркменистон Президентининг мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасидаги самарали фаолиятини қайд этди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Тошкент тиббиёт академиясининг Фахрий доктори ивони берилди.

Олий мартабали меҳмонга ушбу юксак илмий ивон дипломи тантанали равишда топширилди ва докторлик мантисия кийгизилди.

Гурбангули Бердимухамедов бундай юксак эътибор учун Ислам Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

— Биз бошқа соҳалар қатори тиббиёт соҳасида ҳам ўзаро илмий ва амалий ҳамкорликни изчил ривожлантиришдан манфаатдоримиз, — деди Туркменистон Президенти.

Шу кун Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов Туркменистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси янги биносига пойдевор қўйиш маросимида қатнашдилар.

Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов янги бинонинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ташаббуси билан тузилган лойиҳасига юқори баҳо берди. Бунёд этилажак ушбу элчихона узининг бетакрорлиги билан ажралиб туришини, пойтахтимиз кўрмига-кўрк қўйишини қайд этди.

Гурбангули Бердимухамедов Туркменистон элчихонасининг янги биносига пойдевор қўйиши Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари изчил тараққиёт эътиборидан далолат беришини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари номидан келажак авлодларга нома битилган капсула бино пойдеворига қўйилди.

Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрига ташриф бурди.

Олий мартабали меҳмон «СамАвто» заводига бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Бу ерда 2007 йилдан «ISUZU» русумли автобус ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. «СамАвто» машиналари фақат мамлакатимизда эмас, балки қўшни юртларда ҳам аҳолига хизмат қилмоқда.

Гурбангули Бердимухамедов заводнинг замонавий технологиялар билан жиҳозланганига юқори баҳо берди. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда ушбу корхона билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиш мақсадида мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Гурбангули Бердимухамедов Гури Амир мақбараси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда мажмуини зиёрат қилди ҳамда Улугбек расадхонаси билан танишди.

Туркменистон Президенти Самарқанднинг тарихий обидалари ҳам, бетакрор, замонавий кибфаси ҳам кишини хайратга солишини, ўчмас таассурот қолдиришини эътироф этди.

Шу билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Бу ташриф 2007 йилнинг октябрь ойида Ашхобода ўтган Ўзбекистон — Туркменистон саммитининг мантиқий давоми бўлди. Ташриф асносида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўз тараққиётининг янги палласига кирганидан, ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганидан эркин далолатлар.

(УзА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар



Юртимизда кейинги йилларда тadbиркорлик ва хўнармандчилик ривожига барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Биргина Президент соврини учун аънавий равишда ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичида 20 нафарга яқин ёш ўймақори, миллий асбоблар устаси, зардўз, заргар, миллий либосчи, миниатюрчи, ранг-тасвирчи расом, қўлолосозлар қатнашгани қўнғорли, албатта.

СУРАТДА: Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган ёш, изланувчан хўнармандлар. Наталья Семёнова олган суратлар

Кечка сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги маданият уйлари бадий ҳаваскорлик жамоалари вакиллари иштирокида «Бадиий жамоаларга услубий кўмак бериш» мавзусида ўтказилган анжуман туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар Тadbиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси ташаббуси билан уюштирилган семинарда тadbиркорлик ривожига хотин-қизларнинг роли масаласи муҳокама қилинди.

● **АЙНИ** кунларда «Ёшлик» таллаблар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилотини ҳамкорликда уюштирилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида олий ўкув

юртлари, ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасалари талабалари ва ўқувчилари фаол иштирок этишмоқда.

● **АМИР** Темур хайрия жамғармаси хомийлигида Ёшлар йилига тўхфа сифатида «Амир Темур тузуқлари» китоби қайта нашрга тайёрланди.

● **БУГУНДАН** шаҳримизда «Соф энергия ва энергия тежамкорлиги» мавзусида III халқаро кўргазма намойиши бошланди. Ушбу тadbир 14 мартгача давом этди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар ИИББ ташаббуси билан ёшлар тарбиясини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари, ёшлар орасида жиноatchилик ва ҳуқуқбузарлик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш чораларига бағишлаб ўтказилган анжуманда ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасалари ўқитувчилари, ҳуқуқшу-

нослар иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Скрининг марказида замонавий тиббиёт жиҳозлари ва технологиялари билан жиҳозланган янги лаборатория маркази ташкил этилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан мухтаassisлар иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида БУГУН Тошкентда Осиё чемпионолар лигасининг «Пахтакор» ҳамда Қўвайтининг «Ал-Қодисия» жамоалари ўртасида ўтказиладиган гуруҳ баҳсига тайёргарлик жараёни муҳокама этилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида ўтказиладиган гандбол бўйича Ўзбекистон чемпионоларининг учинчи тур беллашувлари ниҳоясига етди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИ ОРОЛБЎЙИДА

“ОРОЛ МУАММОСИ, УНИНГ АҲОЛИ ГЕНОФОНДИ, ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИГА ТАЪСИР ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛАШТИРИШ БОРАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЧОРАЛАРИ” МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ МЎЙНОҚ ТУМАНИДА БЎЛДИЛАР.

Халқаро анжуман иштирокчилари дастлаб Мўйноқ туманидаги Оролбўйида денгиз тубини кўкаламзорлаштириш ишларининг аҳоли билан танишдилар. Уларга минтақадаги экологик вазият, ҳудудда амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш жойлари ташкил этиш борасидаги ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Анжуман иштирокчилари туман марказий шифохонасида ҳам бўлиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

— Германия билан Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган, — дейди Германия федерал иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги бошқармаси бошлиги Рольф Балдус. — Хусусан, Оролбўйи минтақасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, Орол денгиз тубини кўкаламзорлаштириш орқали тузлу чанг-тўзонларнинг ҳавога кўтарилишининг олдини олиш бўйича лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқдамиз. Келгусида ушбу минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамыз.

А. ОРТИКБОВ,
ЎзА мухбири

“Наврўз — 2008”

ҲАШАР — ЁШЛАРГА ЯРАШАР

ЮРТИМИЗДА КЎКЛАМ НАФАСИ УФУРИБ, ДОВ-ДАРАХТЛАР ЖОНЛАНМОҚДА. ИШИЛ МАЙСАЛАР НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИНЛАШАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА. ЯНГИЛИНИШ ВА ЯШАРИШ СУРАРИ СЕЗИЛАЁТГАН БУНДАЙ КУНЛАРДА ХАЛҚИМИЗ АЗАЛ-АЗАЛДАН ҲАШАРГА ОТЛАНГАН. ҲОВЛИ-ЖОЙЛАР, БОГУ РОҒЛАР, ДАЛА-ДАШТЛАР ҚИШДА ТЎПЛАНИБ ҚОЛГАН ХАС-ХАЗОНЛАРДАН ТОЗАЛАНИБ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БАЖАРИЛГАН.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида аждодларимизнинг ана шундай бебаҳо қадриятларини қайта тиклаш, урф-одатларимизни янгилаш маъно ва мазмун билан бойитишга қаратилаётган улкан эътибор ўз самарасини бераётди. Наврўз байраминини нишонлашга тайёргарлик доирасида аънаваный тарзда умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 1 мартдаги фармойишига мувофиқ, март-май ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари, деб эълон қилинди, 15-16 март кунлари эса умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Бундан қўзланган мақсад «Ёшлар йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, халқимизга хос бағ-

рикенлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховатлилик ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, умумхалқ байрамлари арасида маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш, санитария-эпидемиология ҳолатини янада яхшилаш ва Наврўз байраминини нишонлашга пухта тайёргарлик кўришдан иборат.

Айни кунларда жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тadbирлари уюшқоқлик билан ташкил этилаётди. Тураржой шовқоқлари, маҳалла ва қишлоқларда дарахтларни оқлаш ва буташ, кўча ва йўлакларни тартибга келтиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Кўп қаватли уйлар ва ховлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар, ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Оқва сув тизимлари ва қудқ-

лар таъмирланиб, болалар спорт майдончалари кўркам ҳолга келтирилмоқда.

Ҳашарни уюшқоқлик билан ташкил этиш ва юқори самияда ўтказиш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси ҳузурида республика иши гуруҳи тузилди.

2008 йилнинг юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши навқирон авлоднинг жамиятимиздаги ислохотлар жараёнида фаоллигини янада оширмоқда. Жумладан, умумхалқ ҳашарига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тadbирларда йигит-қизларимизнинг иштироки тобора кенгаётир. Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» ижтимоий ҳаракати йигит-қизларнинг бу берадаги эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор лойиҳалар ишлаб чиқди. «Хар бир ёшга — бир ниҳол», «Ёшлар боғи», «Ҳашар — ёшларга ярашар» сингари эзгу мақсадлар муассаслашган лойиҳалар шулар жумласидандир.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларча, юртимизнинг барча ҳудудларида ёшлар ташкилотлари етакчилигида тозалик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилган. «Қамо-

Бахор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Кўнчилик соҳаси:

МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

ТОШКЕНТДА СОҲАВИЙ РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ЭКСПОРТ КЕНГАШИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН КЎНЧИЛИК СОҲАСИ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛ" МАВЗУИДАГИ БИЗНЕС-АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан "Ўзбекистон бизнес-форуми" лойиҳаси кўмағида уюштирилди. Унда "Ўзбек-чармпойабзали" ассоциацияси, кўнчилик соҳасида фаолият юритувчи хусусий компаниялар, бошқа ташкилотлар, банклар, савдо тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исрол Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодий сиёсатимизнинг ҳал қилувчи масаласи бўлган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда техник ва технологик янгилаш вазифасини ҳал этиш таркибий тўб ўзгаришларда муҳим ўрин тутшига алоҳида тўхналиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодий тармоқлари рақобатбардошлигини, шунингдек, истиқболли соҳа бўлган тери ишлаб чиқариш ривожини таъминлашнинг таъкидлади. Бу, айниқса, пойабзал, теридан ишланган маҳсулотлар ва спорт товарлари ишлаб чиқаришга тааллуқлидир.

Бизнес-анжуман иштирокчилари рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш табиий равишда кенгайтириш борасидаги мавжуд тўсиқларни таҳлил қилиб, Ўзбекистонда кўнчилик соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этадиган хусусий сектор ва давлат идоралари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Соҳадаги мавжуд имкониятлар ҳақида сўз кетганда, ҳозир "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси корхоналари ҳаммаси бўлиб 2,5 миллион жуфт

пойабзал ишлаб чиқараётганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳатто хусусий корхоналар, уюшма таркибига кирмайдиган фирма ва цехларда тайёрланаётган пойабзал маҳсулотларини эътиборга олган тақдирда ҳам, бу борада эҳтиёж ҳали-ҳануз катта эканини таъкидлашга тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг жиҳозлари маънавий ва моддий жиҳатдан эскирган, асосий қисми хориждан келтириладиган ёрдамчи материаллар, қимёвий моддалар, бўёқлар, хомашёлар тақчиллиги сезилади.

Шу боис ишлаб чиқаришни ҳар тарафлама модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қўшма корхоналар ташкил этиш зарур. Республикада бундай корхоналар фаолият юритмоқда. Жумладан, "Усалалман", "ВИСО", "КИБО" каби корхоналарда ишлаб чиқарилаётган пойабзал маҳсулотларига талаб катта. Келгусида бундай ишлаб чиқариш корхоналари сифини янада кенгайтириш зарур.

Давлатимиз раҳбари Исрол Каримовнинг ташаббуси билан 2007 йили ушбу соҳага оид "Пойабзал ишлаб чиқариш

саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, 2007-2011 йилларда тайёр тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш" дастури қабул қилинди. Соҳага қарашли 17 та корхонадан 14 тасини жами олти миллион АҚШ долларига тенг инвестиция киритган ҳолда, модернизация қилиш назарда тутилмоқда.

Турдош соҳа корхоналари иштирокида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш ҳам мўлжалланмоқда. Хусусан, "Ўзбекгенгил-саноат" ва "Ўзкимёсаноат" ДАК билан ҳамкорликда тери ишлаб чиқариш соҳасини қимёвий моддалар, ип, каноп, елим, тасма, мих ва ёрдамчи хомашё маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳал этилади.

Хорижий ҳамкорларга қулай имтиёзлар берган ҳолда чет эл сармояларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Тери-пойабзал саноатини молиялаштиришга банклар ва инвестиция жамғармалари ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиши кутиляпти.

Бизнес-анжуман иштирокчилари соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларини атрофлича муҳокама қилиб, бу борада аниқ тавсиялар бердилар.

В.НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

Транспорт

ЎРУФ ЮЗ БИЛАН

"ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ" УЮШМАСИГА ҚАРАШЛИ ҚОРХОНА ВА ДЕПОЛАРДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ТРАНСПОРТЧИЛАР ЯНГИ ЙИЛНИ ЎРУФ ЮЗ БИЛАН КУТИБ ОЛДИЛАР ВА ФАОЛИЯТЛАРИНИ САМАРАЛИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР. ЧИНДАН ҲАМ 2007 ЙИЛДА ПОЙТАҲТ АҲОЛИСИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШДА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИЛДИ.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Уюшма бошқаруви ва тармоқ касба уюшмаси томонидан қўрилган саъй-ҳаракатлардан ижтимоий ҳимояга муҳтожлар мамнун.

Уюшма фахрийлари, пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ҳамда кам таъминланган оилалар аъзоларини соғломлаштириш учун 123 та имтиёзли йўлнамалар тарқатилди. Моддий ёрдам, дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида 238,7 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бундай гамхўрликдан тармоқ ходимлари ҳам баҳраманд бўлдилар.

УСТОЗ ҲАЙДОВЧИ

БУНДАН 30 ЙИЛ МУҚАДДАМ ЎСМИР ЙИГИТЧА АБДУРАҲМОН МУТАЛОВ ТРАМВАЙ ҲАЙДАШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН ЭДИ. ЎШАНДА ТОШКЕНТДАГИ «2-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ» ЖАМОАСИ УНИ ЎЗ БАҒРИГА ОЛГАНДИ.

Бу орада у моҳир трамвай ҳайдовчи устоз бўлиб етишди. Шу фахрли касбдан бахт топган А.Муталов бугунги кунда ҳам сеvimли меҳнат юмушини аъло даражада адо этиб келмоқда. Унинг меҳрини қозонган шогирдлари ҳам устоз изидан бориб, депонинг илғор ҳайдовчилари бўлиб етишдилар.

Устознинг кўп йиллик меҳнат фаолияти яқинда муносиб тақдирланди. Унга "Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти фахрий ходими" нишон тантанали равишда топширилди.

ЯНГИ

ЭЛЕКТРОВАЗЛАР

"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТЕМИР ЙЎЛ КОМПАНИЯСИНИ ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ХИТОЙ МАШИНАСОЗЛАРИ ҲАМ ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШИБ КЕЛИШМОҚДА.

Ўзаро келишувга биноан 2008-2010 йилларда Хитойдан 15 та электровоз сотиб олинади. Аксарияти юк электровози ҳисобланган бу транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар ҳам харид қилинади.

Қурилаётган бу саъй-ҳаракатлар Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларни кредитлаш дастури бўйича амалга оширилади.

Ақбар АЛИЕВ

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ИККИ БАРОБАР ОШДИ

"ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЎТГАН ЙИЛИ 119,1 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК МАҲСУЛОТНИ ЭКСПОРТ ҚИЛДИ. БУ КЎРСАТКИЧ 2006 ЙИЛГА НИСБАТАН 207 ФОИЗГА КЎП ДЕМАҚДИР.

Умуман, ўтган йили "Ўзқурилишматериаллари" компанияси ва унинг таркибига кирмаган фирма ҳамда компанияларнинг қурилиш материаллари бўйича амалга оширган жами экспорт ҳажми 131,4 миллион долларни ташкил этди.

Акциядорлик компанияси асосан цемент, темир-бетон буюмлари, шифер, руберойд, черепица, шиша идишлар, гранит, мрамр плита ва блокларни экспорт қилапти. Қурилиш маҳсулотларимизни Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия, Туркменистон, Афғонистон, Эрон ва бошқа мамлакатлар харид қилмоқда.

Маҳаллийлаштириш Давлат дастури бўйича маҳаллий хомашё асосида мазкур компания тизимида 47,92 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу йиллик кутилган натижага нисбатан 156,4 фоизни ташкил этди. Шу билан биргаликда республикамизда йилга 250 миллион донга пишган гишт ишлаб чиқарадиган 38 та завод ишга туширилди. Буларнинг бари соҳадаги ислохотларнинг самарасини кўрсатиб турибди.

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИГА

НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА ФРАНЦИЯНИНГ "ОЛМИКС" КОМПАНИЯСИ РАҲБАРИЯТИ БИЛАН ЎЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ. ХОРИЖЛИК МУТАХАССИС ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ЎЗБЕКИСТОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИЛАР.

—Нанотехнология текстил соҳасида энг замонавий технологиялар сирасига кириди, деди француз компанияси президенти Эрве Балюссона.—Ушбу усул асосида тайёрланган маҳсулот "ақли газлама" деган таърифни ҳам олган бўлиб, у инсон терисини салбий таъсир этувчи нарвлардан, кўзга қўринмас майда хашраотлардан ҳимоялайди. Керак бўлса одамнинг озиб кетиши ёки семириниши меъриёга солиб туради.

Ҳозирги кунда дунё бозорида косметотехнология талаб сезиларли даражада ортмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, яқин беш йил ичида бундай газламалар ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг ўн фоизини ташкил этади ва 33 миллиард долларга баҳоланади. Ҳозир Ўзбекистонда пахта толаси тайёрланаётган бир пайтда, нанотехнологиялардан фойдаланган ҳолда дунё бозорида рақобатбардошли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини сотувга чиқариш, уларга энг юқори нархларни белгилаш имконияти мавжуд.

Франция компанияси республикамизнинг тўқимачилик соҳастида нанотехнологияларни қўллаш борабариди Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳам илмий ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирган.

Хусан СУЛАЙМОНОВ, "Туркистон-пресс"

ДИПДАН ҚУВНАБ-ЯЙРАДИЛАР

ШАҲРИМИЗДАГИ «АВИАСОЗЛАР» МАДАНИЯТ САРОЙИДА ТЕЗ-ТЕЗ КИЗИҚАРЛИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ҲАМДА ЖУМЛАДАН, КУНИ КЕЧА БУ ЕРДА УЮШТИРИЛГАН НАВБАТДАГИ ТАДБИР РУС МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, У «КАТТА МАСЛЕНИЦА» ДЕБ НОМЛАНДИ.

Русларнинг аънавий байрами ҳисобланмиш «Катта масленица» тадбири давомида шаҳримиздаги турли клублар ва тўғарақлар аъзолари томонидан амалий санъат намуналари намойиш этилди. «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти ошхонасининг кўли гул пазанда ва қандолатчилари томонидан тайёрланган ичига хурмо, олма, узум, асал, сузма солинган қандолат маҳсулотлари байрам дастурхонини безаган бўлса, «Дугона» хусусий корхонаси байрам меҳмонлари эътиборига қовоқ, картошка, гречкали блинчикларни ҳавола этди. Бектемир туманидан келган рус ошхонасининг билимдонлари Алла Лаврентьева ҳамда Евгения Шмагиналар кизиққанларни блинчикларни тайёрлаш сирлари билан таништирдилар.

Шаҳримиздаги миллий маданият марказлари ансамбллари жозибали кўшиқлар ва шўх рақслардан иборат ўз

байрам дастурлари билан тадбирга ўзгача файз киритдилар. Тадбир меҳмонлари бўлимиш Навоий тоғ-металлургия комбинати «Фарход» маданият саройининг «Ивушка» ва «Бахтли болалик» бадий жамоалари ижросидаги концерт дастури айниқса йиғилганларга манзур бўлди.

Момолар қадим замонлардан жундан ип йиғиришган йиғирув анжомлари иш фаолиятининг бевосита намойиши ҳам иштирокчиларга ўзгача таассурот қолдирди.

Кувонарли томони шундаки, рус миллий байрамга ташриф буюрган шаҳримиздаги турли миллатлар вакиллари блинчик ва қандолат маҳсулотлари билан бир пиёла чой ичиш, шунингдек, кўшиқ куйлаб, кувноқ рақсларга тушиш имкониятига эга бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: байрам тадбирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар



КУНИ КЕЧА СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ «БАХТ-ДИЁР» ТҲЙХОНАСИДА ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «СИЗГА ЭҲТИРОМ, СИЗГА ТАЪЗИМ» ДЕБ НОМЛАНГАН АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧАДА АЙТИЛГАН ДИЛ СЎЗЛАРИ, ЯНГРАГАН ШҲХ ТАРОНАЛАР ЙИГИЛГАНЛАР ҚАЛБИНИ БИР ОЛАМ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИРДИ.

Тадбирлар

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Тумандаги энг фаол, ҳар ишда илғор бўлган 300 нафардан ортиқ хотин-қизлар, меҳнат ва уруш фахрийлари жамулжам бўлган ушбу тадбирда дилдан сўхбат қурилди, шўх куй-кўшиқлар янграб барчани даврага қорлади, мутасадди ташкилотлар томонидан тайёрланган байрам совғалари эгаларига катта тантана билан топширилди.

Бундан ташқари тумандаги 30 нафар уруш фахрийларининг уйларига бориб моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб, йўқлаб келинди. —Албатта кекса, ётиб қолган беморларнинг бир оғиз ширин сўз ва кўрсатилган эътибордан кўнгиллари тоғдек кўтарилади. Биз туман ҳокимлиги ташаббуси ва бевосита ёрдами билан бундай тадбирларни имкон борича кўпроқ ўтказишга интилиб келамиз. Уруш ва меҳнат фахрийларига ҳар қанча эътибор кўрсатиб гамхўрлик қилсак ўйлайманки, ёш авлод ҳам биздан ўрнак олади. Миллий қадриятларимиз, каттага ҳурмат, кичкинага иззат кўрсатиш каби одоб-ахлоқ мезонларимиздан сабоқ олиб улғаяди.

— Мен бу йил 75 ёшни қаршияйман,— дейди бир олам завқ билан тадбирда иштирок этаётган Фазилат ая Нуринова.— Юртимизда умр бўйи меҳнат қилиб, ҳозирда пенсияга чиқиб уйда ўтирган биз каби кексаларга катта ёрдам берилиб, гамхўрлик кўрсатилмоқда. Айниқса Ҳайит, Мустақиллик, Янги йил каби ҳар бир байрамларда туман ҳокимлиги томонидан чиройли байрам дастурхони ёзилиб бизни тақлиф қилишлари, моддий ёрдам кўрсатиб туришлари кўнгилimizни кўтариб, хурсанд қилмоқда. Илоҳим юртимиз тинч, элимиз омон бўлсин, хайр-саховатдек олижаноб ишлар бошида турган инсонларнинг омадларини берсин. Кексаларнинг дуолари қўллаб-қувватласин.

Зеро, аёлини улуғлаган элда бахтиёрлик, тўқимлик, тинчлик-омонлик абадий бўлади. Юртимизда ҳар соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси ҳам аёлларнинг тўқис бахти-саодатига қаратилган. Шундай экан барчамиз бир-биримизга меҳр-муҳаббат улашиб, яхшилик соғиниб яшайлик.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Шу боис, фуқароларга соҳага оид қонун ости ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий онгини ўстириш мақсадида ҳар йили мактаб, лицей, академик лицей, коллежлар ва олий ўқув юртлири ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда.

Тадбирнинг бу галги шаҳар босқичи II Тошкент тиббиёт коллежида ўтказилди. Унда тадбир мутасаддилари, қатнашчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Кўрик-танлов низомига кўра, туман босқичларида голибликни кўлга киритган 20 нафар қатнашчилардан дастлаб ўзини таништириш, қонунчиликка оид танлов шартларига оғзаки тарзда жа-воб бериш ва тест синовларида ўзларининг нималарга қодирлигини кўрсатишлари талаб этилди. Белгилаб қўйилганидек, бу жараёнларга уч сонияда улғуриш лозимлигига эътибор қаратилди.

— Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, — дейди Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси раиси, ҳайъат раҳбари Баҳодир Абдуқаюмов биз билан

Танловлар

«ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ — 2008»

БИЗ — ИСТЕЪМОЛЧИМИЗ. КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДАГИ ЭНГ ОДИЙ ХАРИДЛАРДАН ТОРТИБ, ЙИРИК ҲАЖМДАГИ МАҲСУЛОТЛАР ХАРИДИГАЧА БАРЧА-БАРЧАСИ БИЗНИНГ ИСТЕЪМОЛЧИ СИФАТИДАГИ ЎРНИМИЗНИ КАФОЛАТЛАЙДИ. АММО ҲАММА ҲАМ ЎЗИНИНГ ИСТЕЪМОЛЧИ СИФАТИДАГИ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ БИЛАВЕРМАЙДИ. АЙРИМЛАР БУ БОРАДА БИР ҚАТОР МЕЪРИЙ ҲУҲЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИДАН ҲАМ БЕҲАБАР БЎЛИШИ МУМКИН.

сўхбатда, — ўқувчиларимизнинг йилдан йилга билим-савиялари ошиб бораётгани, энг муҳими, танловга кизиқилари ортаётгани беҳад қувонарли ҳол. Негаки ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини талаб қиладиган, бу борада қонун қучига таяна оладиган авлод шаклланданига демократик тамойилларга асосланган давлатчилигимиз пойдевори янада мустаҳкам бўлади.

Кези келганда шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрик-танловнинг бу йилги босқичи ўтган йиллардагига нисбатан ушўқоқлик билан ўтди. Буни қатнашчиларнинг ҳар бир шартга алоҳида тайёргарлик кўрганлиги, ўз устида қўнт билан ишлаганлиги, бир сўз билан

лан айтганда зиммаларига юкланган масъулиятли вазифани сидқидилдан ҳис этганлигига кўришимиз мумкин. Тадбирнинг яқунловчи босқичида ҳақамалар ҳайъати томонидан биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари аниқланди. Уларга Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси ҳамда бошқа ташкилотчилар томонидан таъсис этилган махсус совғалар топширилди.

Эндиликда кўрик-танловнинг биринчи, иккинчи ўрин эгалари республика босқичида пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛАДИ

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ШУ СОҲАЛАРДА РАҚОБАТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЯХШИ ВОСИТАДИР. РАҚОБАТ ЭСА БИЛИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ. ЯНАДА ОЛГА ИНТИЛИШГА УНДАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ БУ БОРАДА КЎПЛАБ КЎРИК-ТАНЛОВ, МУСОБАҚА, ОЛИМПИАДАЛАР УЮШТИРИЛАДИ.

Юртимизда бўлиб ўтадиган бу галги олимпиада анча кенг қамровли бўлиб, унда 20 та давлат вакиллари иштирок этишади. Мазкур 42-халқаро Менделеев олимпиада-си 2008 йил 28 апрелдан 4 майгача пойтахтимизда ўтказилади. Олимпиада Тошкент шаҳридаги М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалида бўлиб ўтади.

Халқаро олимпиадада юртимиз шаънини ҳимоя қилувчи ўқувчилар орасидан 10 нафари бугунга қадар саралаш босқичларида голибликни кўлга киритдилар. Ёш билимдонлар олдидиларида турган синовларни ҳам муваффақият билан қарши олиш учун қизгин изланишларга киришишган бўлса ажаб эмас. Бу борада Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси методика маркази директори Бахтиёр Арслонов тўлиқ изоҳ берди:

— Республикаимиз таркибиде қатнашувчи 10 нафар ўқувчилардан 6 нафари Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган ўқувчилардир. Умумтаълим мактаблари орасидан Ҳамза туманидаги 145-мактаб ўқувчиси Елена Подолко ҳамда Учтепа туманидаги 107-мактаб ўқувчиси Татьяна Правоторовалар голиб бўлишди. Ҳозирда ўқувчилар би-

лимларини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси ва Республикадаги олий таълим муассасалари ўқитувчилари ёрдамида ўз устиларида иш-лашмоқда. Шу билан бирга, март ойи умумтаълим муассасаларимизда қимё фани ойлиги, деб эълон қилинди. Бу фанга оид қатор ютуқ ва қамчиликларни кўздан кечириш ва улар хусусида бош қотириш имкониятини бериш билан бирга, олимпиадага тайёргарлик жараёни ҳам шакллантирмоқда. Қимё фани ойлигида мутахассислар ва ўқитувчилар билан қатор учрашув, кечалар ташкил қилиниши, улар ўртасида ҳамда замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган лабораториялар кўрик-танловлари ўтказилиши режалаштирилган.

Маълумотларга қараганда, Халқаро Менделеев олимпиадасига Ўзбекистон вакиллари 1997 йилдан бошлаб қатнашиб келган. Шу вақтга қадар мазкур олимпиадада 26 нафар ҳамюртларимиз иштирок этиб, 7 та бронза ва 2 та рағбатлантирувчи диплом билан тақдирланганлар. 2007 йилда Беларус Республикасида бўлиб ўтган 41- халқаро Менделеев олимпиадасида 17 та мамлакат қатнашган бўлса, бу сафар уларнинг сонини эиёдрокдир. Навбатдаги халқаро олимпиадада 20 та давлат жамоалари, хусусан, 100 га яқин ўқувчиларнинг иштироки кутилмоқда. Унда МДХ давлатларидан ташқари яна Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Македония ва Руминия каби мамлакатлар ўқувчилари қатнашадилар.

Зилола РУСТАМОВА ЎЗДЖТУ талабаси

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН БОЛАЛАР СПОРТИГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРСИ ТУФАЙЛИ БУГҮН КЎПЛАБ СПОРТЧИЛАРИМИЗ ТУРЛИ ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАРДА ЎЗЛАРИНИНГ БОР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИБ ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИНИ БЕЛГА БОҒЛАБ ЎЗБЕКИСТОН НОМИНИ ДУНЁГА ТАНИТМОҚДАЛАР.

ХУСУСАН ЖАМИЯТДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ШУҒУЛЛАНИШЛАРИГА ЕТАРЛИ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНИ БОИС ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ СПОРТ МАЖМУАЛАРИ, ЎЙИНҒОҲЛАР, ТЕННИС КОРТЛАРИ, БАССЕЙНЛАР БУНЁД ЭТИЛИБ УЛАР ҲУЗУРИДАГИ СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТЎГАРАКЛАРИ ЁШ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

БИЗ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ РАҲБАРИ АСҚАР ТОЛИБЖОНОВ БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛИБ, ФИЛИАЛ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛДИК.

—Жамгармамиз шахримизда болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, вояга етмаган ёшлар ўртасида оммавий спорт тадбирларини мунтазам ташкил этиш ва ўтказиш, ёшларни оммавий спорт турларига кенг қўламада жалб этиш, истеъдодли ёшларнинг мунтазам спорт билан шугулланишлари учун керакли барча шарт-шароитларни яратиш, айниқса хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш йўлида бир қатор тадбирларни ўтказиб амалий ишларни бажариб келмоқда, — деб сўз бошлади суҳбатдошимиз. —Жамгарма устав фаолиятида белгиланган вазифаларнинг асосийларидан бири, вояга етмаган ёшларни спорт машғулотларига жалб қилиш, уларнинг жисмоний ва маънавий камол топишига шарт-шароитлар яратишдан иборат. Шунга қўра, биз ўз тадбирларимизга жалб этаётган аҳолининг асосий қисми вояга етмаган ёшлардан иборатдир.

Ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида манзилли дастур асосида 3 та янги болалар спорт мажмуалари (М.Улуғбек туманида "Юрбад", Миробод туманида "Миробод", Юнусобод туманида "Юнусобод" болалар спорт мажмуалари) янгидан қуриб фойдаланишга топширилди. 2 та мактабга қўшимча спорт заллари (Шайхонтоҳур туманида 314-мактаб, Ҳамза туманида 30-мактаб) қуриб берилди. Барча янги иншоотлар замонавий спорт анжумлари билан жиҳозланди.

Бугунги кунда шаҳардаги 15 та ТИП-2 болалар спорт мажмуасида 135 та спорт секцияси фаолият кўрсатиб уларда 6478 нафар (1367 нафари қизлар), 289 та маҳаллалар қошидаги спорт майдончаларида, 321 та спорт секцияларида 78272 нафар (39173 нафари қизлар) болалар спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиб келишмоқда.

Хозирги кунда фаолият кўрсатаётган болалар спорт мажмуаларида футбол, баскетбол, волейбол, стол теннис, бадий гимнастика, турон кураши, велоспорт, боксдан ўқ отиш, енгил атлетика, қўл тўпи, бокс, миллий кураш, самбо, дзюдо, акробатика, гимнастрада, спорт гимнастикаси, сузиш ва синхрон сузиш, теннис, каратэ, тазквандо, хапкинд, бадминтон, спорт ракиси, бодибилдинг ва бошқа спорт турларидан янги спорт секциялари ташкил этилган.

Фойдаланишга топширилган янги спорт иншоотларидан умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг имтиёзли фойдаланишлари тизими йўлга қўйилган.

29 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва махсус спортга ихтисослашган мактаблар қошидаги 309 та турли спорт секцияларида 8845 нафар (шундан 2588 нафари қизлар) болалар дарсдан бўш вақтларида спорт ва жисмоний тарбия билан шугулланишди.

Пойтахтимизда 317 та умумтаълим мактаби бўлиб, шундан 18 таси махсус мактаблар ҳисобланади. Уларда 397 та спорт заллари фаолият олиб боради. 6 ёшдан 17 ёшгача ўқувчилар 420895 нафар бўлиб шундан 148031 нафари қизларни ташкил

этади. Улардан 132662 нафари, шу жумладан 26731 нафар қизлар дарсдан ташқари бундан ташқари турли спорт секцияларига жалб этилган.

Ўтган Ижтимоий ҳимоя йилида умумтаълим ва болалар ўсмирлар спорт мактабларида спорт билан мунтазам шугулланувчи кам таъминланган оилалар фарзандларига, 21,22,23,24,30,31 - сонли Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, "Ором" мактаб-боғчаси болаларига жамгарма томонидан ажратилган спорт формалари оёқ ва бош кийимлар совға сифатида топширилди.

— Ёшларни спортга янада кенгрок жалб қилиш мақсадида ташкил этилаётган мусобақалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил даврида туманларда янги қуриб битказил-



тириш мақсадида "Учтепа" болалар спорт мажмуасида "Спорт — гўзаллик олами" шiori остида аркан тортиш, дартс, мини-футбол, эстафета турларидан қизиқарли спорт мусобақалари ташкил этилди.

Шунингдек, "Наврўз" умумхалқ байрамини юқори даражада ўтказиш, миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш, жойларда умумхалқ байрамга янги намуналарни қўриб бериш мақсадида шаҳар ва туман марказий майдонлари, боғу хибонларида миллий халқ спорт уйлари, варақ учиретиш, оқ терагу кўк терақ, аркан тортиш, тош кўтариш, миллий

ри ва уларда шугулланувчи болалар тўғрисида мониторинг ўтказилди. Шунга асосан шахримизда мавжуд моддий техник имкониятлардан самарали фойдаланиш натижасида мунтазам спортга жалб этилган болалар сони 2003 йилга нисбатан 2007 йилда 18 фоизга ортганлиги маълум бўлди.

Ҳамза туманидаги 30-Мехрибонлик уйи ва 103-ёрдамчи мактаб интернати тарбияланувчилари ўртасида "Халқаро ногиронлар кунини" бағишлаб спортнинг пароллимия турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Иштирокчилар Фаҳрий ёрликлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мирзо Улуғбек туманидаги 101,105 ва 130-махсус мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг баскетбол, минифутбол ва эстафета турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Мусобақада 120 дан ортиқ ўғил-қизлар катнашди.

—Асқар Имомжонович, Ёшлар йилида амалга оширилиши режалаштирилатган ишлар ҳақида билмоқчи эдик.

—Ёшлар йилини катта куч-ғайрат билан бошладик. Аввало Ўртабонлик томонидан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши йўлайманки ёш авлодининг жисмонан ва маънави камолоти йўлида хизмат қилаётган ҳар бир соҳа вақилига янги-янги изланиш, ташаббус билан ишлаш, айни вақтда катта маъсулият ҳиссини ҳам юклади. Биз ҳам мана шу гуруҳ ва маъсулият, куч-ғайрат билан янги йилнингизни бошладик. Аввало мавжуд моддий-техник базадан унумли фойдаланган ҳолда янги замоний иншоотлар қуриш, борларини етарли даражада жиҳозлаш, ёшларни кенг спорт соҳасига жалб этган ҳолда 2008 — Ёшлар йилида 3 та янги спорт заллари, (450 миллион сўм), 2 та янги болалар спорт мажмуаси, (1,6 миллиард сўм), 1 та умумтаълим мактабига қўшимча спорт зали (110 миллион сўм) қурилиши режаланган.

Шунингдек, спорт билан шугулланувчи ўғил-қизлар орасида истеъдодли спортчиларни аниқлаш, рағбатлантириш, дунё қарашларини кенгайтириш, уларни эзу юртига садоқатли, жисмонан баркамол ва маънавий эрки қилиб тарбиялаш ҳам жамгармамиз олдида турган бош вазифалардан биридир. Уйлайманки мана шу эзу мақсад йўлида ҳар биримиз виждонан ёндашиб иш олиб бормоғимиз керак.

Дарҳақиқат Ўртабонлик ташаббуси билан спортни ривожлантиришнинг яхлит тизими яратилиб, баркамол авлодни тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаралаётган экан шу юрт фарзанди бўлган ҳар биримизнинг бунда муносиб ҳиссамиз бўлмоғи керак.

Шoира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.
СУРАТДА: Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан ўтказилган тадбирлардан лавҳалар

2008 — Ёшлар йили БАРКАМОЛЛИК МАКТАБИ

ган "Умид", "Учтепа", "Истиклол", "Белтепа", "Намуна", "Олимпия умидлари", "Кучбеги" болалар спорт мажмуаларида мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Соғломжон-полвонжон" ва мактаб ўқувчилари ўртасида "Синфдошим, устозим ва мен" эстафета мусобақалари бўлиб ўтди.

Ёшлар ўртасида футболни янада оммавийлаштириш ва улар ўртасида футбол турнирлари ташкил этиш мақсадида, Яқкасарой туманидаги "Кучбеги" болалар спорт мажмуасида "Яқкасарой тумани ҳокими — кубоги" соврини учун 1994-1995 йилларда туғилган ўсмир ёшлар ўртасида минн ФУТБОЛ турнири ташкил этилди.

Ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат руҳида ўстириш ва камил инсон қилиб тарбиялаш мақсадида Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида спортнинг ЭСТАФЕТА турларидан телевизион спорт мусобақаси ташкил этилди. Мусобақа қилинган ҳақида барча иштирокчиларга жамгарманинг эсдалик совғалари топширилди.

Ёшлар орасида шарқ яккакураш турлари билан мунтазам шугулланиб келаётган ўсмир ва қизларни Республика мусобақаларида иштирок этишга тайёрлаш мақсадида "Кучбеги" спорт мажмуасида ТАЭКВОНДО ВТФ йўналиши бўйича Тошкент шаҳридаги 1992-93-1994-95-1998-99-2000 йилларда туғилган ўғил ва қизлардан иборат турли клублар ўртасида "Очиқ кубоги" спорт мусобақаси ўтказилди.

1991-1992-1994-1995-йилларда туғилган вояга етмаган ўғил ва қизларнинг бундан ташқари мазмунли ташкил этиш мақсадида "Умид" болалар спорт мажмуасида спортнинг минн футбол ва шашка турлари, Стол теннис бўйича "Камолот маликаси" спорт мусобақасининг шаҳар биринчилиги ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган хотин-қизларни спортга қизиқ-

кураш, волейбол, баскетбол, шахмат, шашка ва 100-1000 метрга югуриш бўйича спорт мусобақалари ўтказилди.

"Кучбеги" болалар спорт мажмуасида "Пойтахт ёшлари гивандлик ва ОИТСа қарши" шiori остида спортнинг шахмат, шашка, югуриш, баскетбол ва енгил атлетика турларидан беллашувлар ўтказилди.

Ўтказилган барча мусобақалар туманлардаги Тошкент шаҳар БСРЖ тасарруфидаги "Кучбеги", "Олимпия умидлари", "Учтепа", "Истиклол", "Намуна", "Белтепа", "Умид" болалар спорт мажмуаларида уюштирилди.

— Айтгинчи Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногирон болаларнинг ҳам спорт билан шугулланишлари шарт-шароитлар яратилиб, мусобақалар ўтказилиб туриладими?

— Албатта. Мунтазам равишда шахримиздаги Мехрибонлик, Муруват уйларида турли мусобақалар ўтказиб келинади. Масалан Собир Раҳимов тумани "Намуна" болалар спорт мажмуасида "Биз ҳам спортни севаимиз" шiori остида "Ногиронлар кунини" бағишлашган спорт-шоу ўтказилди. Мусобақалар 1-, 2-Муруват уйлари болалари ўртасида бўлиб ўтди. Режа асосида барча болалар спорт мажмуаларида катта спорт байрамлари уюштирилиб, уларга ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган спортга қизиққан болалар тақлиф этилди. Уларга жамгарма томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан 2007 йил 20 ноябрдан 20 декабргача Тошкент шаҳрида Спорт ойлуги эълон қилиниб, барча спорт мажмуалари ва ўқув муассасаларида спортнинг 20 дан ортиқ оммавий турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамгармасининг 29 ноябрда бўлиб ўтган республика Хомийлик Кенгашига тайёр-гарлик борасида барча спорт мажмуала-

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЁШ АВЛОДГА КЎРСАТИЛАЁТГАН КАТТА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ТУФАЙЛИ УЛАР ОРАСИДАН ИҚТИДОРИ ЁШЛАР КЎПЛАБ ЕТИШИШ ЧИҚМОҚДА. АЙНИҚСА, СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ТУФАЙЛИ БИР ҚАТОР ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗ ТУРЛИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ МУСОБАҚАЛАРДА ИШТИРОК ЭТИБ НУФУЗЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАБ, ЧЕМПИОН БЎЛИБ ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИШМОҚДА.

ЮРТИМИЗ ДОВРУҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАМИЗ

Биз бугун мустақиллик тенгдоши бўлган, эндигина 17 ёшга тўлган бўлсада ҳар хил спорт турларида чемпионлик камарини белга боғлаб, юрт обрў-эътиборини кўтариб келаётган спортчи-ёшлар билан суҳбатлашиб уларнинг келгусидаги режалари билан танишдик.

Абдуқаҳҳор САИДОВ, кикбоксинг бўйича 2 қарра республика чемпиони, 2006 йилги жаҳон чемпиони:

— Биз ёшларнинг спортнинг хоҳлаган тури бўйича шугулланишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилгани иқтидор ва истеъдодимизнинг жуда эрта юзга чиқишига имкон яратмоқда. Шунинг учун ҳам яхши ўқишимиз, спортда энг юқори кўрсаткичларга эришиш билан бизга билдирилган оқсак ишончини оқлагга ҳаракат қилмоқдамиз. Мен ҳам тенгдошларим сингари келажақда бутун жаҳон танийдиган энг забардаст, енгилмас, кураги ерга тегмайдиган полвон бўлиб етишсам деб ният қиламан.

Моҳина ИБРАГИМОВА: батутда сакраш бўйича 2005, 2006, 2007-

йилларда Ўзбекистон чемпиони: —Юртимизда аёллар, айниқса қизларни ҳам спортга жалб этиш бўйича қилинаётган хайрли ишлар боис қанчадан-қанча қизлар спортнинг кўпгина турлари бўйича шугулланиб, омадларини синов кўрмоқдалар. Мен ҳам улар қаторида турли халқаро мусобақаларда катнашиб жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишни ният қилиб ўз устимда тинмай ишлаб келялман.

Азиз АБДУЛЛАЕВ: каратэ бўйича 7 марта Ўзбекистон чемпиони, 6 марта Ўзбекистон кубоги соҳиб-и, Урта Осиё чемпиони:

— Жуда ёшлиқдан спортнинг ҳар хил турларига қизиқиб келганман. Улар орасида каратэ алоҳида ажралиб туради. Айниқса, чемпион бўлганимдан кейин янада кўпроқ шугуллана бошладим. Мақсадим фақат олдинга интилиш, жаҳон чемпиони деган катта орзунимга эришиш. Юртим довуғини улкан галабаларга эришиб янада баланд кўтариш.

Азиза МУҲАМЕДОВА ёзиб олди

Сўраш, жавоб берамиз

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ВА СИНОВ МУДДАТИ БИЛАН ИШГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Кейинги вақтларда газетхонлар томонидан таҳририятимизга йўлланаётган хатлар ва телефон орқали қилинаётган мурожаатларда ишга жойлашиш пайтида тузиладиган меҳнат шартномаси ҳамда синов муддати билан ишга қабул қилинишни қонуний асослари ҳусусида кўпроқ сўралмоқда. Шу муносабат билан ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасида айрим келишмовчиликлар юзга келишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқшунос Каримжон Мухторов билан суҳбатлашдик.

Савол: — Ишга қабул қилишда тузиладиган меҳнат шартномасида қандай шартлар белгилаб қўйилади?

Жавоб: — Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсининг келишуви асосида иш жойи, ходимнинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги масаласи, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш кунини, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса, унинг тугаш кунини, меҳнат ҳақи миқдори, қўшимча таътилнинг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнат вақтида боғлиқ бошқа шартлар белгилаб олинади.

Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилганидек, ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражасини меҳнат шартномаси тузиш вақтида пайсатириш асло мумкин эмас.

Меҳнат шартномасининг муддатларини иш давомида ходимнинг розилиги билан бир муддатдан иккинчи бир муддатга ўзгартириш мумкин. Мабодо шартномада унинг муддати кўрсатилган бўлса, у доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади. Меҳнат кодекси талабларига биноан ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши биланоқ бекор қилинади.

Агар муддати тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва томонларнинг биронтаси бир ҳафта давомида меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаса (буйруқ чиқарилмаса) ходим доимий ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Савол: — Ишга қабул қилишга неча ёшдан йўл қўйилади?

Жавоб: — Амалдаги қонунга мувофиқ ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган ўсмир ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахс (васий, ҳомий)нинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

Бундан ташқари ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадини кўзлаб, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртинларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан сўнг ота-онасининг розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Бундай шароитда боланинг соғлиғи ва ўқишга зарар келтирмаслик ҳисобга олиниши керак. Шунингдек, ишга қабул қилишда катталарнинг ёши ҳеч қандай чекланиши мумкин эмас. Ишга қабул қилишдаги чеклашлар фақат суднинг қарори, тиббий ҳулоса ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Савол: — Ишга қабул қилишдаги дастлабки синов муддатлари қай тарзда ўрнатилди?

Жавоб: — Ишга қабул қилишдаги дастлабки синов иш берувчи ва ишга кирувчи шахсининг ўзаро келишуви асосида ўрнатилди. Агар ходим дастлабки синов шarti билан ишга қабул қилинаётган бўлса, ушбу шарт меҳнат шартномасида назарда тутилган бўлиши даркор.

Қонунда дастлабки синовнинг муддати уч ойгача этиб белгиланган. Агар ходимга белгиланган уч ойдан ортиқ синов ўрнатилган бўлса, у ҳақиқий эмас. Синов ва унинг муддати меҳнат шартномаси ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатиб ўтилди. Буйруқ эса ходимга имзо чектириб таништирилади. Бироқ бундай синов меҳнат дафтрасига ёзилмайди.

Таъкидлаш жоизки, бошқа ишга вақтинча ёки доимий ўтказилган ходимларга нисбатан синов муддати қўлланилмайди.

Савол: — Дастлабки синов муддати имтиёзли фуқароларга нисбатан ҳам қўлланиладими?

Жавоб: — Ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга қўра ишда бўлмаган кунлари дастлабки синов муддатига киритилмайди. Масалан, 1 майда 3 ойлик синов муддати билан ишга қабул қилинса-ю, 1 июндан 1 июлгача меҳнатга қобилиятсизлик варақасида бўлса, синов муддати 31 июлда эмас, балки 31 августда тугаган ҳисобланади.

Дастлабки синов муддати даврида ходимларга фақат меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига эмас, балки қорхона ёки муассасада ўрна-тилган меҳнат шартлари ҳам тўлиқ татбиқ қилинади. Масалан, меҳнат интизомини бузса, унга интизомий жазо чоралари қўлланилиши ва х.к.

Савол: — Мабодо бир томон синов муддати даврида меҳнат шартномасини бекор қилишнинг истаб қолсачи?

Жавоб: — Дастлабки синов муддати тугагунга қадар бир томон иккинчи томонни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Икки томоннинг келишувига биноан уч кун огоҳлантириш муддати қисқартирилиши мумкин. Шунингдек, ходимга огоҳлантириш муддати давомида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қайтариб олиш ҳуқуқи ҳам берилди.

Синов муддати даврида ходим ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилганда ундан бунинг сабабини тушунтириб бериш талаб этилади.

Туманларда

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

БУГҮН МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ, СПОРТ БИЛАН МУНТАЗАМ ШУҒУЛЛАНИШИ ЙЎЛИДА КЎПЛАБ ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.



Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамгармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва туманлар бўлиmlари фаолияти ҳам айнан мана шундай хайрли мақсадга қаратилган. Бу борада биргина Чилонзор туманини оладиган бўлсак ёшларнинг замонавий спорт мажмуаларида спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, стол теннис, тазквандо, миллий кураш каби бир неча турлари билан шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Туманимиздаги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинади, —


дейди болалар спорти жамгармасининг туман бўлими вакили, бош мутахассис Турсун Абдураимов. — Яқинда жамгарма соврини учун 270-мактабда 1992-1993 йилда туғилган қизлар ўртасида волейбол бўйича қизиқарли мусобақалар бўлиб ўтди. Унда тумандаги 168, 210, 162, 90, 131, 126, 182, 188, 280, 179, 163, 164-мактабларнинг қизлари катта ғайрат-шижоат билан иштирок этилди. Фойдаларга жамгарма томонидан Фаҳрий ёрликлар ва кимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, "Спид ва гивандликка қарши" шiori остида "Метрокурвчи" стадионинида тумандаги 1992-96 йилларда туғилган ўғил болалар

ўртасида футбол бўйича, 3-5-синф ўқувчилари ўртасида эса спортнинг футбол, теннис турлари бўйича бир қатор мусобақалар ташкил этилди. Мақсадимиз имкон борича бундай соғломлаштириш мусобақаларига ёш ўғил-қизларни жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир.

Дарҳақиқат, жисмонан соғлом ва рухан тетик, баркамол авлодгина келажагимизнинг муносиб эгалари бўла олади. Шундай экан бу улғу мақсад йўлидаги ишларга барчамиз баҳоли-қудрат ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак.

СУРАТДА: туманда бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳа</



Машриқзамин — Ҳикмат Бўстони
Саъдий Шерозий
Ҳикматлар

Жон риштасин узарди камончайи носози,
"Отанг ўлди" дегандан хунук эди овози.

Кўшиқчилар борки, улар овозин
Гўзаллиги солар дилга ҳаяжон.
Аммо сен шундай ажиб куйчисан,
Жим бўлганинг чоғи роҳатланар жон.

Ингичка бўлгунча йўғон чўзилиб,
Ингичка чидамас, узилиб ўлар.

Мен ҳеч вақт замона ишидан нолимас ва фалк
гардишидан юз ўғирмас эдим.

Сенга току масжид бўлибдир макон,
Биров бутпараст бўлса, дема ёмон.

Бир донишманддан сўрадилар:
— Ўнг кўлнинг фазилатлари ҳаммага маълум,
бас, нечук узук сўл кўлга тақилади.

— Фозил кишилар ҳамша махрум кишилар
эканликларини билмайсан-ми? — деб жавоб берди
донишманд.

Хар жойда ёмонлик ўргатар ёмон,
Хас-чўлға ёпишар фарқ бўлган инсон.
Ёмон кишиларга ҳамроҳ бўлмагил,
Корасин юктирар мисоли қозон.

Тор этикдан яхшидир юрмоқлик оёқ яланг,
Мусофирлик аълодир уйинг тўла бўлса жанг.

Отан бор вақтда, бошимда тож бор эди. Агар
вужудимга бир пашша кўнса, бир неча кишининг
хотирни паришон бўлур эди. Энди эса мени
душманлар асир қилсалар ҳам, дўстларимдан
бирор киши ёрдам бермайди.

Билганингни сўзла, чунки ҳақиқатни гапирган
яхши, чунки сен на порохўрсану, на лаганбардорсан.

"Иззат оёғини осмонга кўй" дема! "Самимият
юзини ерга кўй" дегил!

Халқ пиёласи захар билан тўлганлигини
кўрганда, кишининг томоғидан қандай қилиб
чучук сув ўтади.

Бу ўртада бахтга эга бўлган киши — халқнинг
тинчлиги билан банд бўлган кишидир.

Одамийлик саховат ва илтифотдан иборат,
қуруқ савлатни одамийлик деб ўйлама!

Агар инсоннинг фазл ва эҳсони бўлмаса, одам
билан деворга қизилган расмнинг орасида нима
фарқ бор?!

Хар бир одамизод ҳайвондан яхши эмас, чунки
йиртқич ҳайвон ёмон одамизоддан яхшироқдир.

Йиртқич ҳайвондан ақли инсонгина яхши, кишига
йиртқич ҳайвондек ташланадиган махлук инсон эмас.

Халққа озор етказувчининг молини еб, қонини
ич! Чунки ёмон қушнинг пар ва патлари юлингани
яхши.

Тикан берадиган томирни юлиб ташла! Мева
берадиган дарахтни парваршиш қил!

Оламга ўт кўювчининг чироғи ўчгани яхши,
халқ куйгандан кўра бир кишининг ўтга тушгани
яхши.

Жафони касб қилиб олганларни барбод қил!
Ситам қилувчиларга ситам қилиш адолат ва инсофдандир!

Агар бирор калланинг халққа озор етказайтганини
кўрсанг, ўткир қилич билан бўғзини кес!
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

—Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида ўтган
"Ихтимой ҳимоя йили" Дастурида белгиланганидек, меҳр-
оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжихатлик руҳида, халқимизнинг
кўп минг йиллик қадриятлари, бағрикенглик тамойилларига
хос ва мос бўлган меҳр-шафқат, мурувват туйғуларини ўзида
муҳасам этган миллий урф-одатларимизга кўра Саховат, Меҳрибонлик,
Мурувват уйлари муассасаларини ободонлаштириш, жойларда санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш мақсадида,
Хамза туманидаги 30- Меҳрибонлик уйи, 103-
Ақли заиф болалар мактаби, Кўзи оқиб ва заиф кўрувчи болалар мактаби, 52-Ақлан заиф болалар мактаби, Бектемир туманидаги Ногирон болалар реабилитация маркази, Юнусобод туманидаги 21- Меҳрибонлик уйи ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 1-Мурувват уйида кўзда тутилган вазифалар тўлақонли амалга оширилди.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги 6 та болалар Меҳрибонлик уйлари, 10 та мактаб-интернати, 3 та «Мурувват» уйларининг ҳар бирининг ҳисоб рақамига 100 минг сўмдан ҳамда Ногиронларга, Боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатиш учун Тошкент шаҳар Кўзил Ярим Ой ва Кўзи оқиблар жамятлари ҳисоб рақамларига 50 минг сўмдан, жами 2 миллион сўм маблағ Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ажратилди.

—Дарҳақиқат, мурувват ва саховат халқимизнинг азалий хусусиятларидан бўлиб, бу каби ишлар савоб ишлар ичидан энг улуғидир. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан шахримиз аҳолиси ва худудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бундай ҳолатларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилди? — Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш ҳамда шаҳардаги барча куч ва воситаларни фавқулодда вазиятларда мувофиқлаштиришдан иборат бўлган масъулияти ҳизмати билан ҳамшаҳарларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. 2007 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги қарори, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 2006 йил 27 ноябрдаги «2007 йил Тошкент шаҳар аҳолисининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш борасида тайёргарлигини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига асосан Тошкент шаҳри худудида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ва бундай вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтида

Тошкент шаҳар ва туман ҳокимиятлари раҳбар ходимлари ва шаҳар худудидаги қорхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари, тузилма сардорлари ҳамда мутахассисларнинг ўқув машғулотларида иштироки тўлиқ таъминланди.

Тошкент шаҳри худудида жойлашган 29 та олий ўқув юрти талабалари, 85 та коллеж талабалари, 32 та лицейлар ва 301 та умумтаълим мактаблари ҳамда 483 та мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари махсус дастурлар асосида ўқитиш мақсадида ўқув дарслари жараёнида тайёргарликдан ўтказилди. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида «Фуқаро муҳофазаси» бўйича алоҳида синф хоналари ажратилиб, кўргазмалли воситалар билан жиҳозланган ва ўқитувчилари соҳа бўйича тайёргарликдан ўтказилиб борилди.

Ўқув машғулотлари бошқарма офицерлари подполковник Қ.Турсунов, майор Т. Махаммадиев, капитан У. Бозоров, капитан Р.Нуралиев, катта лейтенант Х. Алибаев ва хизматчилар М.Юнусов, У.Сувановлар томонидан назарий ва амалий

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ФУҚАРО МУҲОҒАЗАСИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

1997 йилдан буён ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН ҲАР БИР ЙИЛГА РАМЗИЙ НОМ БЕРИЛИШ, ШУ АСОСДА ИНСОНПАРВАРЛИК БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРИНИНГ ЗАМИРИДА УМУМИЙ БИР МЕЗОН ЯЪНИ, ИНСОННИНГ ҲАЁТИ, ОДАМЛАРНИНГ ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНТИЛИШЛАР ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА. ҲАР БИР СОҲАДА ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БИЗ ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ ПОЛКОВНИК ЭРГАШ ИКРОМОВДАН БОШҚАРМА ФАОЛИЯТИ ВА ЎТГАН ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА ГАПИРИБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИК.

қисмлардан иборат тарзда ўтказилиб, тингловчиларнинг бу борадаги амалий кўникмалари ва тажрибалари синов қилиниб, машғулотлар бахс-мунозарали тарзда ўтказилди.

—Ҳамкорликда ҳикмат кўп. Турли офатлардан муҳофаза қилиш, рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олишни жамоатчилик билан ҳамкорликсиз, яъни маҳаллалар аҳлисиз тасаввур этиш қийин.

—Шаҳардаги маҳаллаларда фуқаро муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақиқатан ҳам ибратлидир. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг қўллаб-қувватлаши, керакли тавсиялари билан хайри ишларга бош бўлаётган маҳаллалар қаторида Собир Раҳимов, Юнусобод, Хамза, Чилонзор, Бектемир, Учтепа ва Мирзо Улуғбек туманларидаги Аҳмаджон Назаров, «Янгиобод», «Умид», «Тарновобоши» каби 50 дан ортиқ маҳаллаларни кўриш мумкин. Ушбу маҳалла гузарларида Фуқаро муҳофазаси бўйича плакатлар, маҳалла хабарчиси, тиббиёт, газ, сув қувурлари, электр-энергия соҳаси ходимлари тўғрисида маълумотлар, фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда хабар бериш телефонлари, «Жамоатчи кут-

арувчилар рўйхати» алоҳида плакатларда ёзиб қўйилган.

— Бугунги кунда ҳамшаҳарларимиз бошқарманинг «050» хизматидан бевосита хабардорлар десак хато қилмаймиз. Ёрдамга муҳтож аҳоли ва меҳмонлар «050»га узлуксиз мурожаат қилиб, бепул, бегараз керакли ёрдамни оладилар, шундай эмасми?

— 2007 йил давомида Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидидаги 050 «Кутқарув хизмати» телефонларида ёрдам ва маслаҳат сўраб аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 93557 мартаба мурожаатлар келиб тушди. Юқорида қайд қилинган мурожаатлардан жами 1576 тасида инсонлар ҳаёти ва йirik микдосдаги фавқулодда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган қақурувларга Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидидаги «Кутқарув хизмати» ва «Авария-кўтарув отряди»нинг кўтарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб бориб экстремал вазиятларга тушиб қолган инсонларга керакли техник ва тиббий ёрдам кўрсатишди. Булардан ташқари, 91981 та мурожаатлар бўйича бошқарма томонидан Фуқаро муҳофазаси хизматлари (тиббиёт, газ, иссиқ сув ва совуқ сув таъминотлари, электр таъминоти, ёруғлик таъминоти, оқва сувлар ва бошқа хизматлар) ва авария-тиклаш гуруҳлари ишлари мувофиқлаштирилиб борилади.

Йил мобайнида Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидидаги 050 «Кутқарув хизмати» ва «Авария-кўтарув отряди»нинг кўтарувчилари томонидан 376 мартаба ўрнидан тура олмайдиган кекса ногиронларга ва қариларга теозор биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. 257 мартаба хонадонлар ичкари-сида газ плиталари, электр жиҳозлари ёқиқ эшиги берк хонадонлар эшикларини махсус асбоб-ускуналар ёрдамида очиб берилиб, ёнгин-портлаш хавфи ҳамда инсонларнинг газ билан захарланиши ҳолатларининг олди олинди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ўз бурчига садоқатли, фидокорона ашган, юртимиз иқтисодиётига катта миқдорда зарар олиб келиши мумкин бўлган авария, ҳалокат, экологик офатларнинг олдини олишга самарали ҳисса қўшган фахрийлар доимо эъзозимизда.

Полковник Ш.Раҳмонов, подполковник Я.Варава, подполковник А.Головач, подполковник В.Катишев, подполковник А.Мухтарамов, полковник Х.Тўйчиев, подполковник Б.Ташмухамедов, подполковник Ю.Шпотин каби устозлар бошқарма фаолиятида фавқулодда вазиятларнинг олдини олишда, Фуқаро муҳофазаси соҳасида жонбошлик кўрсатиб, ёшларга ибрат бўлишди. Бу йил «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бошқармаимиз жамоасининг асосини ёшлар ташкил этилиши инобатга олсак, демак эзгу ишларимиз яна давом этади.

— Мазмуни сўхбатингиз учун, раҳмат.

Хусниҳон ТОҶИБОЕВА, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходими

Спорт янгиликлари



ПУХТА МАШҒУЛОТЛАР — ҒАЛАБА ОМИДИ

ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ «ТЕНГДОШ» МАДАНИЯТ УЙИДА ҚЎЛ ЖАНГИ СЕКЦИЯСИ АЙНИҚСА КЎПЛАБ ЁШЛАРНИ ЎЗИГА БИРЛАШТИРГАНЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. УШБУ ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАЖРИБАЛИ МУРАББИЙ — ҚЎЛ ЖАНГИ БЎЙИЧА СПОРТ УСТАСИ СВЕТЛАНА БАЛОВА ОЛИБ БОРАДИ.

Бизнинг «Болалар билан қўл жанги спорт тури бўйича машғулотлар ўтказишдан қандай мақсадларни кўзда тутгансиз?» деган саволимизга заҳматхаш мураббий қуйидагича жавоб берди:

— Ушбу спорт тури бўйича машғулотларда биз меъёрида юкламаларни бериб, ўсмирларни жисмоний камолотга етишлари йўлида кўмаклашамиз. Бир кун кураш сирларини ўргатсам, иккинчи кун бокс усулларидан шоғирдларимга сабоқ бераман. Машғулотлар ҳафтасига уч марта ташкил этилади. Ўсмирлар ва қизлар биргаликда зарбалар, Ҳимоя, ағдариш усулларини ўрганиб борадилар.

Машғулотлар чоғида ёш спортчиларнинг бир-бирларига ҳурмат билан қараб, турли усулларни ўрганишларини кўриб, ушбу ахил жамоадан келгусида албатта яхши спортчилар етишиб чиқишига ишонч ҳосил қилдик.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: машғулот пайтида.

Алексей Попов олган сурат

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ёш истеъодлар учун «Нихол — 2008» мукофотининг саралаш босқичини эълон қилади. Танлов бешта номинация бўйича бўлиб ўтади: эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, ракс санъати, опера санъати ижрочилиги. Танловда 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшлар иштирок этишади. Саралаш босқичида қатнашиш бўйича Тошкент шаҳри туманлари ҳокимиятлари, маданият ва спорт ишлари бўлиmlарига мурожаат этилади.

МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

- Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси — 232-26-50
Бектемир тумани — 295-15-09
Миробод тумани — 255-67-19
Мирзо Улуғбек тумани — 265-64-59
Собир Раҳимов тумани — 248-71-18
Сергели тумани — 258-77-27
Учтепа тумани — 274-28-37
Хамза тумани — 296-42-50
Чилонзор тумани — 277-12-76
Шайхонтоҳур тумани — 142-18-20
Юнусобод тумани — 235-16-59
Яккасарой тумани — 362-20-92

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш хар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал ҳўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланган. Аҳоли томонидан истеъмоил қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлиmlарида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа оқидорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6